# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ «АГРОКИМЁҲИМОЯ»**
**ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК**
**ЖАМИЯТИ бошқаруви раҳбариятига**

**МЧЖ шаклидаги «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилоти.**

Почта манзили: 140100, Самарканд шаҳри, Рудакий кучаси 140-уй 18-хонадон.
СТИР: 204897972
Хизмат курсатувчи банк: 00279 Самарканд вилоят ОАТБ «Агро банк»
Ҳисоб рақами: 20208000504314106001
ХХТУТ: 84400
**Лицензия: АФ №00579, ЎзР молия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 апрелда берилган.**
Суғурта полиси: № 30-П/057, "KAFIL SUGURTA" МЧЖ томонидан 2016 йил 5 -июлдан 2017 йил 5 июлгача бўлган давр учун берилган.

Аудиторлик ташкилоти директори: Нуриддинова Шахноза Тоировна

Аудитор Нуриддинова Шахноза Тоировнага ЎзР Молия Вазирлиги томонидан 24 июл 2012 йилда №04394 сонли аудитор малакали сертификат берилган. Шунингдек, «Қозоғистон Республикаси Аудиторлар Палатаси» ОАП ва «BDO Kazakhstan» ТОО томонидан 2015-йил 26-июнда №0039 рақамли МҲХС буйича молиявий ҳисобот дастури асосида малака сертификати берилган.

2017 йил 5 мартда тузилган 05/03-17-сонли шартномага асосан **«Агрокимёҳимоя» ҲАЖ**ни 1 январ 2016 йилдан 31 декабр 2016 йилгача бўлган даврдаги молиявий хўжалик фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Биз аудиторлик текширувини ҲАЖ маъмурияти томонидан тақдим этилган жамиятни 2016 йил 01 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги фойда ва зарарлар, Хусусий капитал ва Пул оқимларидаги ўзгаришлар буйича ҳисоботлар, жамиятни ҳисоб сиёсати ҳамда бошқа киска мазмундаги ёзма изоҳлар, маълумотлар асосида ўтказдик.

**<u>Молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун жамият раҳбариятини жавобгарлиги</u>**

ҲАЖ раҳбарияти тақдим этилаётган молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлиги, молиявий ҳисоботларни тайёрланишида зарур бўлган ички назорат тизими, молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслиги, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлиги учун жавобгардир.

**<u>Аудиторни жавобгарлиги</u>**

Биз томонимиздан ўтказилган аудит текшируви молиявий ҳисоботни ҳаққонийлигини, молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз аудиторлик текширувини Ўзбекистон Республикаси миллий стандарти ва Халкаро стандартига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар этикавий меърларга амал қилинишини талаб қилган ҳолда, шунингдек, аудит текширувини режалаштириш ва ўтказишда молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч ҳосил қилинишини талаб қилади.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботдаги рақам кўрсаткичларини ишончлилигини тасдиқлаш ва ундаги маълумотларни аудиторлик исботлаш орқали ёритилишини ўз ичига олади. Эътиборсизлик ёки хатолик оқибатида молиявий ҳисоботда жиддий бузилиш ҳолатлари содир этилганда, аудиторни таваккалчилиги, иш тартибини танлаши аудиторни юқори малакалилигига боғлик. Ушбу таваккалчиликни баҳолаш жараёнида аудитор шароитдан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботни тузилиши ва ҳаққонийлиги учун ички назорат тизимини самарадорлигига ташаккур билдириш фикрида эмас, балки ички назорат тизимини бажарадиган ишига эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, аудит текшируви аудиторлик текширувидан ўтказилаётган ташкилотда қабул қилинган ҳисоб сиёсатини юналишини ва бухгалтериясини асослилигини ҳамда тақдим қилинган молиявий ҳисоботини умумий баҳолайди.

Биз томонимиздан олинган аудиторлик маълумотлар ушбу молиявий ҳисобот унинг ҳақиқий ҳолатини ҳаққоний акс эттирилишига ишонарли ва етарли асос беради.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект **«Агрокимёҳимоя» ҲАЖ**нинг 2016 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси миллий стандарти ва Халкаро стандарти талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ шаклидаги «JAVLON AUDIT SERVIS»**
**аудиторлик ташкилоти директори:** **Ш.Т. Нуриддинова.**

**15.04.2017 йил.**

м.ў.

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТ «АГРОКИМЁҲИМОЯ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ

**2016 йил 31 декабр ҳолатига**

**ва**

**тугаланган 31 декабр 2016 йил учун**

# АУДИТОР ҲИСОБОТИ

**САМАРҚАНД ШАҲРИ -2017**

# МАЗМУНИ

2016 йил ҳисобот йили охири 31 декабр ҳолатига Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот........................................................................................................ 3

2016 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолати буйича ҳисобот ........................ 4

2016 йил 31 декабр ҳолатига хусусий капиталдаги ўзгаришлар буйича ҳисобот.......... 6

2016 йил 31 декабр ҳолатига пул оқимлари ҳаракати буйича ҳисобот ............. 7

2016 йил 31 декабр ҳолатига ва тугалланган 31 декабр 2016 йил учун молиявий ҳисоботга изоҳлар:

1. Умумий маълумотлар ........................................................................................ 9

2. Молиявий ҳисоботларни тайёрланишига асослар............................................ 9

3. Ҳисоб сиёсатига жиддий ёндашишлар ................................................................ 9

4. Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини аҳволи………… ………12

5. Фойда ва зарарлар буйича асосий кўрсаткичлар……………………………………13

6. Активлар……………………………………………………………………………14

7. Мажбуриятлар…………………………………………………………15

8. Хусусий капитал……………………………………………………………16

9. Хулоса……………………………………………………………………………17

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТ «АГРОКИМЁҲИМОЯ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ

## Молиявий ҳолати буйича ҳисоботи

| Кўрсаткичлар | Изоҳ | ҳолатига 1.01.2016 г. | 1.01.2017 г. |
|---|---|---|---|
| **АКТИВЛАР** | | | |
| **Оборотдан ташқари активлар** | | | |
| Асосий воситалар | 1 | 7594239 | 7406618 |
| Сотишга мулжалланган активлар | 1 | | |
| Инвестициялар ва қимматли қоғозлар | 2 | 955684 | 951868 |
| ҚК ва ассоцияланган корхоналар инвестициялари | 3 | | |
| Қарам хўжалик жамиятлари инвестициялари | 4 | | |
| Бошқа молиявий инвестициялар | 5 | 37794389 | 48203983 |
| Кечиктирилган молиявий активлар | 6 | 12685653 | 668681 |
| Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар | 7 | | |
| Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар | 8 | 6495 | 6495 |
| Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар | 9 | | |
| **Жами оборотдан ташқари активлар** | | **59036460** | **57237645** |
| **Актив айланма маблағлар** | | | |
| ТМҚ захираси | | 58370359 | 80808625 |
| Савдо дебитор қарздорлиги | | 83005984 | 137331176 |
| Савдодан бошқа дебитор карздорликлар | | 4152377 | 3180627 |
| Солиқ ва туловларни жорий актив кисми | | 383641 | 3359735 |
| Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи | | 175000 | 452053 |
| Бошқа айланма молиявий активлар | | 337631 | 173463 |
| Пул маблағлари ва уларни эквивалентлари | | 322954 | 1012769 |
| **Жами актив айланма маблағлар** | | **146747946** | **226318448** |
| **Жами активлар** | | **205784406** | **283556093** |
| **Хусусий капитал ва мажбуриятлар** | | | |
| **Хусусий капитал** | | | |
| Акциядорлар капитали | | 1784239 | 1784239 |
| Қўшилган капитал | | 211205 | 44464 |
| Захира капитали | | 1522052 | 2261823 |
| Тақсимланмаган фойда | | 409271 | 429211 |
| Мақсадли тушумлар | | 20097 | |
| Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари | | 15599 | 168382 |
| **Жами хусусий капитал** | | **3962463** | **4688119** |
| **Узоқ муддатли мажбуриятлар** | | | |
| Узоқ муддатли займлар | | 0 | 1664515 |
| Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари | | | 1137093 |
| Бошқа но молиявий мажбуриятлар | | 15860165 | 6381577 |
| **Жами узоқ муддатли мажбуриятлар** | | **15860165** | **9183185** |

| | | |
|---|---|---|
| **Қисқа муддатли мажбуриятлар** | | |
| Савдо кредитор қарздорликлар | 157160009 | 238075907 |
| Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар | 6033846 | 1797155 |
| Туланадиган дивидендлар | 382895 | 468450 |
| Иш ҳақи туловлари буйича мажбуриятлар | 1197055 | 1282933 |
| Қисқа муддатли банк кредитлари | 10904541 | 18657653 |
| Бошқа мажбуриятлар | 10283432 | 9402691 |
| **Жами қисқа муддатли мажбуриятлар** | **185961778** | **269684789** |
| | | |
| **Жами хусусий капитал ва мажбуриятлар** | **205784406** | **283556093** |

Раҳбар_____________ МЧЖ «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик

Бош ҳисобчи_____________ ташкилоти директори: Ш.Т. Нуриддинова

м.ў. м.ў.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ «АГРОКИМЁҲИМОЯ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ**
**Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботи Ҳисобот йили охири 31 декабр ҳолатига**

минг. сўм

| Кўрсаткичлар | Изоҳ | 2016 | 2015 |
|---|---|---|---|
| Маҳсулот(иш, хизмат) сотишдан соф тушум | 1 | 115 697 753,00 | 99 213 216,00 |
| Сотиш тан нархи | 2 | 97 670 995,0 | 83 979 484,00 |
| **Ялпи даромад** | **х** | **18 026 758,00** | **15 233 732,00** |
| Асосий фаолиятни бошқа даромадлари | 3 | 1 113 699,0 | 346 527,00 |
| **Жами даромад** | **х** | **19 140 457,00** | **15 580 259,00** |
| Сотиш харажатлари | 4 | 8 271 635 | 4 394 178,00 |
| Маъмурий харажатлар | 5 | 3 848 179,0 | 4 441 632,00 |
| Бошқа операцион харажатлар | 6 | 1 189 295,0 | 2 073 000,00 |
| **Жами операцион харажатлар** | **х** | **13 309 109,00** | **10 908 810,00** |
| **Операцион фаолият буйича даромад** | **х** | **5 831 348,00** | **4 671 449,00** |
| Дивиденд шаклидаги даромадлар | | | |
| Валюта курси фарқидан даромад | х | | |
| Молиявий фаолиятни бошқа даромадлари | 7 | 461 405,00 | 715 809,00 |
| **Молиявий фаолият буйича жами даромад** | **х** | **461 405,00** | **715 809,00** |
| Туланган фоизлар | 8 | | |
| Валюта курси фарқидан зарар | 9 | | |
| Қарам жамиятларини зарардаги улуши | 10 | | |
| **Молиявий фаолият буйича жами харажатлар** | **х** | **0,00** | **0,00** |
| **Солиқ тулагунга қадар фойда** | **х** | **6 292 753,00** | **5 387 258,00** |
| Фойда солиғи буйича харажатлар | 11 | | |
| Фойдадан бошқа солик ва бошқа мажбурий туловлар | | 5 863 543,0 | 4 977 987,0 |
| **Тугалланган йилдаги соф фойда** | **х** | **429 210,00** | **409 271,00** |
| **Ўтадиган:** | | | |
| **Бирлашма мулкдори** | **х** | | |
| Назорат қилинмайдиган қатнашчиларни улуши | х | | |
| **Классификация таркибига карашли бошқа умумий даромадлар** | | | |
| **Кейинги даврлар фойдаси ёки зарари:** | х | | |
| Фойда солиғига таъсири | 0 | | |
| Бошқа умумий даромадларда мавжуд сотишга мулжалланган ҳаққоний қийматдаги молиявий активларни қайта баҳолашдан соф зарар | | | |
| Фойда солиғига таъсири | 0 | | |

Раҳбар ____________
Бош ҳисобчи ____________
м.ў.

МЧЖ «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилоти директори: Ш.Т. Нуриддинова
м.ў.

**«Агрокимёхимоя» Худудий акциядорлик жамияти**

**«Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» даги ўзгаришлар ҳақида**

| Кўрсаткичлар | Изох | Устав капитали | Қўшилган капитал | Захира капитали | Тақсимланмаган фойда | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.01.2016 йилга қолдиқ** | | **1 784 239** | **211 205** | **1 522 052** | **409 271** | **3 926 767** |
| ТМЗ ҳисобига қолдиқни тўғрилаш | | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** |
| **Тўғрилашни ҳисобга олган ҳолда 1.01.2016 йил ҳолатига қолдиқ** | | **1 784 239** | **211 205** | **1 522 052** | **409 271** | **3 926 767** |
| Узок муддатли активларни қайта баҳолаш | | 0 | 0 | 0 | 0 | **0** |
| Захира капиталиға ажратмалар | | 0 | 0 | 739 771 | -20 463 | **719 308** |
| **Туланадиган дивидендлар** | | 0 | 0 | 0 | **-163 708** | **-163 708** |
| **Жамиятда ишлаб чиқариш фондини ривожлантириш** | | 0 | 0 | 0 | **-196 450** | **-196 450** |
| **Янги технологияни ривожлантириш** | | 0 | 0 | 0 | **-4 093** | **-4 093** |
| **Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига** | | 0 | 0 | 0 | **-4 093** | **-4 093** |
| **Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш** | | 0 | 0 | 0 | **-20 464** | **-20 464** |
| Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси(зарари) | | 0 | 0 | 0 | 429 211 | **429 211** |
| ТМЗ ҳисобига қолдиқни тўғрилаш | | 0 | -166 741 | 0 | 0 | **-166 741** |
| **Тўғрилашни ҳисобга олган ҳолда 31.12.2016 йилга қолдиқ** | | 1 784 239 | 44 464 | 2 261 823 | 429 211 | **4 519 737** |

Раҳбар_______________
Бош ҳисобчи___________
м.ў.

МЧЖ «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилоти директори: Ш.Т. Нуриддинова
м.ў.

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТ «АГРОКИМЁҲИМОЯ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ

## Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботи 31 декабр ҳолатига

| Кўрсаткичлар | Изох | минг сўмда<br>31 декабр 2016 года | 31 декабр 2015 йил |
|---|---|---|---|
| **Операцион фаолият** | | 115697753 | 99213216 |
| Ҳисобот йилида соф фойда | | 429211 | 409271 |
| Фойда солиғи буйича харажатлар | | 5863543 | 4977987 |
| **Солик тулагунга кадар фойда** | | 6292753 | 5387258 |
| **Операцион фаолиятдан солиқ тулагунга қадар фойдагача пул маблағларни соф оқимидан бошқа манбаларини тузатиш** | | | |
| Асосий воситаларни эскириши | | 5039698 | 6800336 |
| Молиявий даромадлар | | 461405 | 715809 |
| Молиявий харажатлар | | | |
| Бошқа операцион харажат (даромад)(нетто) | | | |
| Валюта курсидаги соф сальбий фарқ | | | |
| Қўшма корхоналар ва ассоциацияланган бирлашмаларни улушлар усулида иштироки буйича фойда(зарар)даги улуши | | | |
| **Операцион фаолият буйича Айланма маблағларни тўғрилагунга қадар пул оқими, фоизлар ва фойда солиғи** | | | |
| **Айланма капиталнн тузатиш:** | | | |
| Захирани ўзгариши | | 19932724 | 20745014 |
| Савдо ва бошқа дебитор қарздорликларни ўзгариши | | 53920423 | 30087170 |
| Савдо ва бошқа кредитор қарздорликларни ўзгариши | | 74742445 | 41369424 |
| **Фоизлар ва фойда солиғи:** | | | |
| Туланган фоизлар | | | |
| Ундирилган фоизлар | | | |
| Туланган фойда солиғи | | | |
| **Операцион фаолиятдан соф пул оқими** | | 128662868 | 71456594 |
| | | | |
| **Инвестицион фаолият** | | | |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни сотишдан тушум | | | 2028556 |
| Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиниши | | | 58004 |
| Берилган заём | | | |
| Берилган заёмни пулини (қийматини) қайтариш | | | |
| (Жойланиши)/қайтарилган депозитдан тушум (нетто) | | | |
| Сотишга мулжалланган мавжуд молиявий активлардан тушум | | | |
| Кечилган пул маблағларини чегирган ҳолда қарашли (шуъба) бирлашмаларни чиқарилиши | | | |
| Олинган пул маблағлари чегирилган ҳолда қарашли (шуъба) бирлашмаларни ўзлаштирилиши | | | |
| Олинган дивидендлар | | | 2086560 |
| **Инвестицион (фойдаланилган) фаолиятдан соф пул оқими** | | | |

| | | |
|---|---|---|
| **Молиявий фаолият** | | |
| Комиссион туловлар чегирилган ҳолда займлардан тушум | | |
| Займларни қайтарилиши | | |
| Юқфори бирлашма акциядорлариги туланган дивидендлар | | |
| Назорат қилинмайдиган қатнашчиларни дивиденддаги улушини туланиши | | |
| Молиявий фаолиятдан бошқа тушумлар | 461405 | 715809 |
| **Молиявий фаолиятда фойдаланилган соф пул оқими** | 461405 | 715809 |
| **Соф пул маблағлари ва уларни эквивалентини (камайиши) кўпайиши** | 934543 | -33944 |
| **Соф пул маблағлари ва уларни эквивалентини курсдаги фарқларни ўзгаришига таъсири** | | |
| **Соф пул маблағлари ва уларни эквивалентини йил бошига қолдиғи** | 322954 | 356898 |
| **Соф пул маблағлари ва уларни эквивалентини йил охирига қолдиғи** | 1012769 | 322954 |

Раҳбар______________
Бош хисобчи__________
м.ў.

МЧЖ «JAVLON AUDIT SERVIS» аудиторлик
ташкилоти директори: Ш.Т. Нуриддинова
м.ў.

# 2016 йил 31 декабр ҳолатига ва тугаллаиган 31 декабр 2016 йил учун молиявий ҳисоботга изоҳлар

## 1. Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект буйича умумий маълумотлар

Самарқанд вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» Ҳудудий Очиқ Акциядорлик Жамияти (ҲОАЖ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январ кунидаги 33-сон қарори ва вилоят ҳокимининг 2004 йил 30 январ кунидаги 25-сон қарорига асосан ҳудудий очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган. Жамиятни Низоми кейинги йилларда бир неча марта ўзгартирилган ва қайта руйхатга олинган.

Самарқанд вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги «Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-370 –сонли Қонуни ҳамда 2014 йил 28 июндаги 10 сонли жамият акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши баёнига асосан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сонли қарорига мувофиқ «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти ва вилоятларнинг ўсимликларни ҳиоя қилиш марказлари мулкий қисми негизида «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ташкил этилган. Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг Устави Самарқанд вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 2016 йил 30 ноябрь кунидаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланиб, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш “Ягона дарча” Марказида 5 декабр 2016 йилда № 14896-рақам билан рўйхатга олинган.

Жамият акциядорларининг 2016 йил 30 ноябрь кунидаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида тасдиқланган Низомига асосан, жамият Низом жамғармаси 1 874 239 200 сўм белгиланган бўлиб, акция куринишида ҳар бир акциянинг номинал қиймати 2400 сўмдан 743 433 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат бўлиб, қўйидаги миқдорда тақсимланган:

-65,26 фоиз ёки 1 164 364 800 сўмлик 485 152 дона акциялар давлат улуши (Шундан ,791 дона акциялар аввал жойлаштирилган);

-17,77 фоиз ёки 317 104 800 сўмлик 132 127 дона акциялар “Ўзкимёсаноат” ДАК улуши 9 аввал жойлаштирилган);

-16,97 фоиз ёки 302 769 600 сўмлик 126 154 дона акциялар бошқа акциядорлар улуши (Аввал жойлаштирилган) сифатида тақсимланган.

Устав фонди тўлиқ шаклланган.

Жамиятга Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги 2014-йил 30-июл кунида берилган **№ 07331-сонли Гувоҳнома**га асосан «Жамият» га қўйидаги хос рақамлар тақдим қилинган:

Юридик шахс коди КТУТ (ОКПО) – 04985056

Тармоқ коди ХХТУТ (ОКОНХ) – 71150-Улгуржи савдо фаолияти.

Почта манзили МХОБТ (СОАТО) – 1718401

Идентификация рақами СТИР (ИНН) – 201008307

Жамиятни Устав капитали 1.01.2017 йил ҳолатига тўлиқ шакиллантирилган.

Юридик манзили: ЎзР, Самарқанд шаҳри, Спитаменшох кўчаси, 153 уй.

Ҳақиқий юридик манзили: ЎзР, Самарқанд шаҳри, Спитаменшох кўчаси, 153 уй.

Ҳ. рақами: 20 210 000 100 436 105 001 АТ «Агробанк», МФО 00279 Самарқанд филиали

**Телефон/факс:** (8-366) 221 72 72, 8-366 221 74 05.

Электрон манзили: Samarkandtao l@ uks.uz

Веб сайт: Samarkandqxk.uz

## 2. Молиявий ҳисоботни тайёрланишига асослар

МҲХС буйича иккинчи ҳисобот санаси -01.01.2017 йил ёки 31.12.2016 йил, яъни МҲХС буйича иккинчи ҳисобот даври -2016 йил.

Молиявий ҳисоботларни бошқа шаклларида тузатишлар бухгалтерия проводкаларини бериш орқали тузатилди. Молиявий ҳисоботларни ва унинг бошқа шаклларини МҲХСга мослаштириш жараёнида балансдаги якуний тузатишлар ва унга изоҳлар, яъни молиявий ҳисоботларни трансформацион шакллари МҲХСга мувофиқ тузилди.

Самарқанд вилоят «Агрокимёҳимоя» худудий акциядорлик жамиятини 2016 йиллик БҲМСга асосан тузилган «Бухгалтерия баланси»- форма 1, «Молиявий натижалар буйича ҳисобот»- форма 2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» - форма 4, «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» - форма 5 ларни МҲХС (IFRS)1 га трансформация жараёнида жамиятни ички аудит хизмати аудитори томонидан мослаштирилган.

## 3. Ҳисоб сиёсатига жиддий ёндашишлар

Жамиятни молиявий ҳисоботи Ўзбекистон сўм бирлигида юритилган.

Жамиятни ҳисоб сиёсати «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган Ҳисоблаб ёзиш, Икки ёқлама ёзув усули билан ҳисоб юритиш, Давомийлик, Хўжалик операциялари, Активлар ва пассивларга пул билан баҳо бериш, Ишончлилик, Эҳтиёткорлик, Мазмуннинг шаклдан устунлиги, Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги, Молиявий ҳисоботнинг холислиги, Активлар ва Мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси, Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги, Тушунарлилик, Аҳамиятлилик, Муҳимлик, Тўғри ва беғараз тасаввур, Тугаллик, Изчиллик, Замонавийлик, Оффсеттинг (моддаларнинг ўзаро ҳисобга олиниши) ва Холислик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган.

Ишончлилик: -Ахборотда мухим хато ёки ғаразлилик бўлмаса ва фойдаланувчилар унга таянишлари мумкин бўлса, ишончли ҳисобланади.

Эҳтиёткорлик: -Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадлар нархининг оширилиб юборилишига ва мажбуриятлар ёки харажатлар баҳоси камайтирилишига йўл қўйилмаслиги лозимлигини билдиради.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги: -Ҳисобга олиш ҳужжатларида ва молиявий ҳисоботда ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмуни тўғри акс эттирилса, бу ахборот молиявий ҳисоботда ҳисобга олиниши ва кўрсатилиши лозим.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги: -Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисобот даврларидаги ахборотларга қиёсланадиган бўлиши керак. Ҳисоботдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш чоғида фойдаланган ҳисоб сиёсатидан, бу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва бундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг холислиги: -Молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини таъминлаш учун унда келтириладиган ахборот янглишлардан холи бўлиши керак.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси: -Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш тамойили уларнинг таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолашга асос бўлишини назарда тутади.

Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги:
-Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради.

Тушунарлилик: -Молиявий ҳисоботда келтириладиган ахборот фойдаланувчилар учун тушунарли ва содда бўлиши лозим.

Аҳамиятлилик: -Молиявий ахборотнинг аҳамиятлилиги молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг эҳтиёжини қондириши ва операцион, молиявий ҳамда хўжалик фаолиятига доир воқеаларга баҳо беришда уларга ёрдам бериши лозимлигини билдиради. Ахборотнинг моҳияти ва қиймати(муҳимлиги) унинг аҳамиятлилигига таъсир қилиши мумкин.

Муҳимлик: -Агар ахборотни тушириб қолдирилиши ёки нотўгри кўрсатилиши ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир килса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.

-Молиявий ҳисоботларда характери ва вазифалари жиҳатидан ўхшаш бўлган ва алоҳида кўрсатилиши мумкин бўлмаган миқдорлар билан умумлаштирилиши лозим бўлган миқдорлар бир моддада акс эттирилади. Бироқ, алоҳида ўзини олганда ҳам, бошқаларга қўшганда ҳам муҳим ҳисобланган ахборот ўзга ахборот билан тўла умумлаштирилмаслиги лозим. Шу муносабат билан, агар ахборотнинг очиб берилмаслиги ҳисоботдан фойдаланувчилар молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик уни тушириб қолдиришнинг алоҳида аник шарҳларида кўриб чиқиладиган модданинг ҳажмига боглиқ бўлади.

Тўғри ва беғараз тасаввур:

-Молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларда субъектнинг молиявий аҳволи, операцияларнинг натижалари ва пул маблагларининг ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва беғараз тасаввур ҳосил қилиши керак.

Тугаллик: -Ишончлиликни таъминлаш учун молиявий хисоботлардаги ахборот тўла бўлиши керак.

Изчиллик: -Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботларини унинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тамойилларини аниклаш учун қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак. Хисоб сиёсати бир даврдан иккинчисига изчиллик билан ўтказилиши назарда тутилади.

Замонавийлик:

-Ахборот ўз вақтида берилган тақдирдагина у фойдали бўлади. Агар молиявий хисоботлар ундан фойдаланувчилар тасарруфига тузилган вақтдан кейин оқилона вақт ичида тақдим этилмаса, унинг фойдаси қолмайди. Ҳисобот ахборотлари асоссиз равишда ушлаб қолинса, у ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъект кўрсатилган муддатларда молиявий ҳисоботни тузишга кодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омиллар, ҳатто хўжалик юритувчи субъектнинг операцияларининг мураккаблиги ҳам ҳисоботни вақтида тақдим этмасликка сабаб бўлмаслиги керак.

Молиявий ҳисобот "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тарзда эълон қилиниши керак.

Оффсеттинг (моддаларнинг ўзаро ҳисобга олиниши):

-Активлар ва пассивлар ўртасида ўзаро ҳисобга олиниши бўлмаслиги керак, бошқа БҲМСларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Даромадлар ва харажатлар моддалари ўзаро қуйидаги ҳоллардан ташқари ҳисобга олиниши мумкин эмас. БҲМС буни талаб қилади ёки рухсат этади. Фойда, зарарлар, шунингдек бундай операциялар билан боғлик харажатлар ва воқеалар якка ҳолда ҳам, жамланган ҳолда ҳам муҳим эмас.

Холислик:

-Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволини, унинг фаолияти молиявий натижаларини ва пул маблағларининг ҳаракатини холисона кўрсатиши лозим

Жамиятда молиявий ҳисоботларни тузилишида қуйидаги тамойил ва йўналишларга асосланади:

При составлении финансовой отчетности АО придерживаются следующие принципы и допущения:

***даромад, харажат ва фойда** жамиятда ҳисоблаш тамойилида ҳисоботлар тузилган ва акс эттирилган;

***асосий воситалар ва номоддий активлар** жорий ҳисобда *бошланғич (тиклаш)*[1] *қийматида*, балансда эса улар *қолдиқ қийматида*[2] *;акс эттирилади;*

***амортизацияланадиган қиймат** - молиявий ҳисоботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;

в) **амортизация** - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси;

г) **фойдали хизмат муддати** - корхона активдан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ушбу активдан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори;

д) **бошланғич қиймат** - тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (йиғимларни), шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг қиймати;

е) **жорий қиймат** - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;

*тугалланмаган капитал қўйилмалар ва ўрнатилмаган аспоб-ускуналар ҳисоботда уларни ҳақиқий қиймати (тан нархи)да акс эттирилади;

.*асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал қўйилмалар ва ўрнатилмаган аспоб-ускуналарни **ҳаққоний бозор қиймати** ҳар йили ҳисобот йили охирига уларни қийматини қайта баҳолаш йўли билан аниқланади[3];

***асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш** Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексига мувофиқ тўғри чизиқли (бир маромли) эскириш ҳисоблаш усулида амалга оширилади;

***молиявий инвестициялар** қимматли қоғозларни ҳисоботларда ҳаққоний харид қилиш қийматида акс эттирилади;

---

[1]**қолдиқ (баланс) қиймат** - жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати;

[2]**тугатиш қиймати** - асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси.

[3]**Қайта баҳолаш қиймати** асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал инвестициялар, ўрнатилмаган аспоб-ускуналарни ҳаққоний бозор қийматида қайта баҳоланиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ҳар йили расмий эълон қилинган баҳолаш индекслари асосида амалга оширилишидир.

***молиявий инвестициялар** аъзолик бадаллари кўринишида қарам хўжалик жамиятлари ва ассоциацияланган бирлашмаларни улушларини дастлабки олиб кириш қийматида ҳисоботларда ҳисоби акс эттирилади;

***молиявий инвестициялар** вақтинчалик молиявий ёрдам кўринишида ҳисоботларда уларни киритилишидаги ҳаққоний қийматда акс эттирилади;

***ТМЗ** лар ҳисоботларда товарлардан ташқари уларни ҳаққоний таннархида акс эттирилади;

***савдо ва савдога боғлиқ бўлмаган дебитор қарздорликлар** ҳисоботларда уларни ташкил топиш кунидаги бошлангич қийматида тўлов муддатлари (қисқа ва узоқ муддатли) буйича акс эттирилади;

***чет эл валютаси кредити буйича курсдаги салбий фарқ** чет эл валютаси кредитларини белгиланган даражасида қайтарилиши уларни кейинчалик молиявий натижаларга олиб борилиши ҳисобга олинган ҳолда кечиктирилган харажатлар ҳисобида ҳисоботларда акс эттирилади;

***чет эл валютасидаги пул маблағлари** Марказий банкни миллий валютадаги қиймати буйича ҳисоботларда акс эттирилади;

***савдо ва савдога тегишли бўлмаган кредитор қарздорликлар** ҳисоботларда уларни ташкил топиш кунидаги бошланғич қийматида тўлов муддатлари (қисқа ва узоқ муддатли) буйича акс эттирилади;

***акциядорлар капитали** оддий акцияларни номинал қийматида жойлаштириш буйича ҳисоботларда акс эттирилади;

***захира капитали** асосий воситалар ва номоддий активларни бошланғич қиймати ва уларни эскириш қийматини қайта баҳолангандан кейинги ўртадаги фарқ суммалар ҳисоботларда акс эттирилади;

***захира капитали** тугалланмаган капитал қуйилмалар ва ўрнатилмаган аспоб-ускуналарни қайта баҳолаш ва уларни бошланғич тан нархи қиймати ўртасидаги фарқ буйича ҳисоботларда акс эттирилади;

*** захира капитали** акциядорларни умумий йиғилиши қарорига мувофиқ соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратмалар ҳисоботларда акс эттирилади;

***тақсимланмаган фойда** ҳисобот даврини соф фойдаси ва йиғилган тақсимланмаган фойда қолдиғи ҳисоботларда акс эттирилади.

### 4.Бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими аҳволи

Жамиятда бухгалтерия ҳисоботлари БХМС №21 га асосан юритилган. Мемориал-ордер тартибида тегишли счётлар асосида бухгалтерия проводкалари икки ёклама берилган. Бош китоб, асосий воситалар, ходимларни ойлик иш ҳаклари ва бошқа барча ҳисоб китоблар компютерда 1 С Программа дастури асосида юритилган.

Жамиятда ички бошкарув назорати ташкил этилган бўлиб, ойлик ҳисоботлар қабул қилинган, товар моддий бойликларни қолдигини ҳақиқийлигини аниқлаш мақсадида ҳужжатли текширишлар ўтказилган ва далолатномалар тақдим этилган ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича жамият раҳбарининг буйруғига асосан чора тадбирлар курилган. Товар моддий бойликлар билан муомала қилувчи моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик шартномалари тузилган.

Жамиятда амалга ошириладиган молиявий хўжалик операцияларнинг тўғри акс эттирилиши ва ҳисобининг юритилиши устидан назорат жамият бош ҳисобчисига юклатилган.

Жамиятда ички аудитор бир кишидан иборат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 2011 йил 14 сентябрдаги 258-сонли қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида НИЗОМга қатъий риоя килган ҳолда ҳамда жамиятни Кузатув Кенгаши раиси томонидан тасдиқланган иш-

режага асосан ишлаб келган. Ҳар чорак якуни буйича таҳлиллар қилиниб, ҳисоботлар тузилган.

## 5. Жамиятни фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботидаги асосий кўрсаткичлар

**Соф тушум.** Жамиятни асосий даромад манбаи бўлиб минерал ўғитларни сотишдан тушган соф тушум ҳамда фермер хўжаликларга агрокимёвий хизматлар кўрсатишдан иборат.

Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум 2016 йилда 115697753 минг сўмни, 2015 йилда 99213216 минг сўмни ташкил этган. Ўтган йилга нисбатан жорий ҳисобот йилида 16484537 минг сўм Махсулот(иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум кўп бўлган.

Маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушум 1 иловада келтирилган.

Ушбу соф тушумни ҳисоботда акс эттирилиши ва тан олиш усули БҲМС№2, Даромадларни тан олишда 3-БХМС қоидаларига ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом ҳамда МҲХС №18 "Тушум" қоидаларига тўлиқ риоя қилинган.

**Маҳсулот таннархи.** Маҳсулот (иш,хизмат)ларни таннархи 2016 йилда жами суммаси 97670995 минг сўмни, 2015 йилда 83979484 минг сўмни ташкил этган.

2-иловага қаралсин.

Ушбу таннархни ҳисоботда акс эттирилиши ва тан олиш усули «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги ЎзР ВМ томонидан 5.02.1999 йилда №54 билан тасдиқланган Низом ҳамда БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ келади.

**Сотишдан даромад.** Ушбу кўрсаткич 2015 йилда 15233732 минг сўмни, 2016 йилда 18026758 минг сўмни ташкил этган. Яъни ўтган йилга нисбатан даромад 2793026 минг сўм кўп олинган.

**Бошқа даромадлар.** Жамиятда асосий фаолиятни бошқа даромадлари 2015 йилда 346527 минг сўмни, 2016 йилда 1113699 минг сўмни ташкил этган. Ёки 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 767172 минг сўм кам даромад олинган. (Илова №3).

Ушбу «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги ЎзР ВМ томонидан 5.02.1999 йилда №54 билан тасдиқланган Низом ҳамда БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ келади.

**Давр харажатлари.** Ушбу 2015 ва 2016 йилларда қуйидагича бўлган:

| | 2016 йилда | 2015 йилда |
|---|---|---|
| Сотиш харажатлари | 8271635 | 4394178 |
| Маъмурий харажатлар | 3848179 | 4441632 |
| Бошқа операцион харажатлар | 1189295 | 2073000 |
| **Жами операцион харажатлар** | **19140457** | **15580259** |

Ушбуларни таркиби 4,5,6 –иловаларда келтирилган.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги ЎзР ВМ томонидан 5.02.1999 йилда №54 билан тасдиқланган Низом ҳамда БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ келади.

**Асосий фаолиятни молиявий натижаси.** Жамиятни асосий фаолиятдан даромади қуйидагича булган:

| | 2016 й. | 2015 г. |
|---|---|---|
| Операцион фаолият буйича даромад | 4671449 | 5831348 |

**Молиявий фаолиятдан даромад.** Жамиятни молиявий фаолиятдан даромади қуйидагича булган:

| | 2015 й. | 2016 й |
|---|---|---|
| Олинган дивидендлар | 0 | 0 |
| Молиявий фаолиятни бошқа даромадлари | 461405 | 715809 |
| **Жами:** | **461405** | **715809** |

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги ЎзР ВМ томонидан 5.02.1999 йилда №54 билан тасдиқланган Низом хамда БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ келади.

**Молиявий фаолиятни харажатлари.** Жамиятда ушбу қуйидагича:

| | 2015 й. | 2016 й |
|---|---|---|
| Тўланган фоизлар | 0 | 0 |
| Курсдаги салбий фарқ | 0 | 0 |
| **Жами:** | **0** | **0** |

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларнинг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги ЎзР ВМ томонидан 5.02.1999 йилда №54 билан тасдиқланган Низом хамда БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ келади.

**Якуний молиявий натижа.** Жамиятда ушбу қуйидагича:

| | 2015 й. | 2016 й |
|---|---|---|
| **Солиқ тулагунга қадар фойда** | **5387258** | **6292753** |
| Фойда солиғи буйича харажатлар | 4977987 | 5863543 |
| **Йиллик соф фойда** | **409271** | **429210** |

## 6.АКТИВЛАР

### 6.1.Асосий воситалар

АЖда асосий воситалар, тугалланмаган капитал инвестициялар ҳаққоний бозор қийматида 2015 ва 2016 йиллар ҳисобот йили якунида қайта баҳоланган. Ушбу асосий воситалар, тугалланмаган капитал инвестицияларни ҳаққоний бозор қийматида қайта баҳоланиши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан расмий эълон қилинган баҳолаш индекслари асосида амалга оширилган. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофик тўғри чизикли усулда ҳисобланган.тугалланмаган курилиш, ўрнатилмаган аспоб-ускуналарга эскириш киймати ҳисобланмаган.

Асосий воситаларни ҳисобини юритилиши, асосий воситаларни тан олиниши ва баҳоланиши 5-сон БҲМС «Асосий воситалар» ва МҲХС(IAS) 16 «Асосий воситалар» талабларига мувофиқ акс эттирилган. Иловага қаралсин.

### 6.2. Молиявий инвестициялар

**Қимматли қоғозлар. Жамият қуйидаги инвестиция қимматли қоғозларга эга:**

| 01.01.2016 | 01.01.2017 |
|---|---|
| 955684 | 951868 |

Ушбуларни таркиби 7 –иловада келтирилган.

Қимматли қоғозларни тан олиниши ва баҳоланиши 12-сонли БҲМС «Молиявий инвестициялар ҳисоби» ва МҲХС (IAS) 39 «Молиявий асбобларни баҳоланиши ва тан олиниши», МҲХС(IAS) 32 «Молиявий асбоблар буйича маълумотларни тақдим қилиниши», МҲХС (IFRS) 7 "«Молиявий маълумотларни очиб ташлаш асбоблари» талабларига мувофиқ акс эттирилган.

**Бошқа узоқ муддатли молиявий активлар**. Жамиятни балансида 1.01.2016 йил ҳолатига катор сабларга кўра вужудга келган 37794389 минг сўмлик узоқ муддатлт дебитор карздорликлар мавжуд бўлиб, ҳисобот йили давомида 10409594 минг сўмга кўпайиб, ҳисобот йили охирига 48203983 минг сўмни ташкил этган.

8-иловага қаралсин.

**Кечиктирилган молиявий активлар**. Жамиятни балансида 1.01.2016 йил ҳолатига 12685653 минг сўмлик дебитор қарздорликлар мавжуд бўлиб, ҳисобот йили давомида 12016972 минг сўмга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг қарорига мувофик реструктуризация қилиниши натижасида камайиб, ҳисобот йили охирига 668681 минг сўмни ташкил этган.

## 6.3. Товар-моддий захиралар

Жамиятда материал кўринишида, тайёр маҳсулот ва товарлар кўринишида ТМЗлар мавжуд.

ТМЗларни тан олиниши ва баҳоланиши 4-сонли БҲМС «Товар-моддий захиралар» ва МҲХС (IAS) 2 «Захиралар» талабларига мувофиқ акс эттирилган. Жамиятда барча ҳисоб-китоблар 1 С Программада юритилган.

9 иловага қаралсин.

## 6.4. Савдо буйича дебитор қарздорликлар

Жамиятда савдо буйича дебитор қарздорликлар асосан маҳсулот сотиб олувчи харидорлар ва мол етказиб берувчилар бўлиб, уларни ҳисоб китоби, тан олиниши БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ юритилган.

9 иловага қаралсин.

### 6.5. Солиқ активлари

Жамият умумбелгиланган солиқ тўловчиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ ҳисоб-китобни юритган.

Солиқ тўловларини ҳисобланиши, тан олиниши ва ҳисоб-китоби олиниши БҲМС ва МҲХС (IAS) 12 «Фойда солиғи» талабларига мувофиқ юритилган.

10 иловага қаралсин.

### 6.6. Савдодан бошқа дебитор қарздорликлар

Жамиятда савдодан бошқа дебитор қарздорликлар асосан жамият ишчи хизматчилари ва бошқа ташкилотлар бўлиб, уларни ҳисоб китоби, тан олиниши БҲМС ва МҲХС талабларига мувофиқ юритилган.

11 иловага қаралсин.

## 7. МАЖБУРИЯТЛАР

### 7.1 Савдо буйича кредитор қарздорликлар

Жамиятда савдо буйича кредитор қарздорликлар қуйидагича:

| Улчов бирлиги | 01.01.2016 | 01.01.2017 |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 238075907 | 157160009 |

12 –иловага қаралсин.

### 7.2 Солиқ мажбуриятлари

Жамиятда солиқ мажбуриятлари қуйидагича:

| Улчов бирлиги | 01.01.2016 | 01.01.2017 |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 6033846 | 1797155 |

13-иловага қаралсин.

Солиқ туловлари буйича кечиктирилган мажбуриятлар

| Улчов бирлиги | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 0 | 1137093 |

### 7.3. Дивиденд туловлари буйича мажбуриятлар

Жамиятда ушбу қуйидагича:

| Улчов бирлиги | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 382895 | 468450 |

### 7.4. Иш ҳақи туловлари буйича мажбуриятлар

Жамиятда ушбу қуйидагича:

| Улчов бирлиги | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 1197055 | 1282933 |

### 7.5. Молиявий мажбуриятлар

Жамиятда узоқ муддатли заёмлар, қиска муддатли банк кредитлари куринишидаги молиявий мажбуриятлар қуйидагича:

| **Мазмуни** | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Узоқ муддатли заёмлар | 0 | 1664515 |
| Қисқа муддатли банк кредитлари | 10904541 | 18657653 |
| Қисқа муддатли карзлар | | |

### 7.6. Савдодан бошқа мажбуриятлар

Жамиятда савдодан бошқа қуйидаги миқдорда мажбуриятлар мавжуд

| **Мазмуни** | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Бошқа жорий қарзлар | 10283432 | 9402691 |

14-иловага қаралсин.

## 8. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ

### 8.1 Устав капитали

Жамиятда Устав капитали қуйидагича:

| | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 1784239 | 1784239 |

### 8.2. Резерв капитали

Жамиятда заҳира капитали соф фойдадан ажратма ва қийматликларни кайта баҳолаш натижасида вужудга келган

| | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 1522052 | 2261823 |

### 8.3 Тақсимланмаган фойда

Тақсимланмаган фойда қуйидагича:

| | **01.01.2016** | **01.01.2017** |
|---|---|---|
| Минг сўмда | 409271 | 429211 |

## ХУЛОСА

Бизнинг фикримизча Самарканд вилоят «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятини 2016 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботи, молиявий натижалар буйича ҳисоботи, пул окимлари тўғрисидаги хисобот, хусусий капитал тўғрисидаги хисоботлар меъёрий ҳужжатларга мувофик тузилиб БҲМС ва МҲХС талабларига мос келади.

Жамиятни молиявий хўжалик фаолияти ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини янада яхшилаш учун қуйидаги аудит тавсиялар берилди:

1. Иқтисодий самарадорликни ошириш учун ички заҳиралардан унумли фойдаланиш.
2. Барча молиявий ҳолатларни чуқур таҳлил қилиш;
3. 2017 йил давомида МҲХС билан паралел ҳисоб китобларни юритиш;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя килиш тўғрисида» ги Қонунига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни *(51-модда. Дивидендларни тўлаш тартиби)* ижросига қатъий риоя қилиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2014 йилдаги №2151-сонли қарорига асосан давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарга минерал ўғитларни 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилишига қатъий риоя қилиш.
6. Қўшилган капиталдаги суммаларни заҳира капиталига олиб бориш.
7. Асосий воситаларни ҳаққоний бозор қийматида қайта баҳолаш.
8. Унмайдиган қарзларни ҳисобдан чиқариш.
9. Бухгалтерия ходимларини МҲХСда ҳисоботларни юритиш буйича ўкитиш.

*Ушбу ҳисобот икки нусхада тайёрланди.*

**МЧЖ «JAVLON AUDIT SERVIS»**
**Аудиторлик ташкилоти директори:** **Ш.Т. Нуриддинова**

**Аудиторлик хисобот билан танишдик ва унинг бир нусхасини олдик:**

**«Агрокимёҳимоя» ҲАЖ раиси:** ______________ **М.Н.Назаров.**

**Бош хисобчи** ______________ **О.Ж.Эшкулов.**